

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ХУҚУҚДА ЧЕТ ЕЛ ҲУҚУҚИНИ ҚҰЛЛАШНИ ЧЕКЛОВЧИ ҚОИДАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент давлат юрик университети талабаси
Рахматова Фарбина Мирзатилло қизи

Аннотация; Дунё давлатлари ўртасида иқтисодий, сиёсий, молиявий, тијорий интеграция жараёнлари жадал ривожланиб бориши, давлатлар ва уларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг кенгайиб бориши натижасида ҳалқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қўллашга ехтиёж туғилмоқда. Турли давлат субъектлари бир-бiri билан бўладиган ўзаро муносабатларида (масалан, оиласвий, шартномавий, мулкий, номулкий, меҳнат) у ёки бу давлатда мавжуд бўлган ҳуқуқ нормасига мурожаат қиласди. Ҳалқаро хусусий ҳуқуқ тенденсиялари ривожланиб бораётган даврда миллий қонунчилигимиз чет ел ҳуқуқи нормаларини мамлакатимиз ҳудудида жорий етишга қандай қарайди, бу жараёнда чекловлар борми деган масалаларга ушбу мақоламизда батафсил тўхтalamиз.

Калит сўзлар; Шаҳсий қонун, норма ижодкорлиги, юридик факт, коллизион нормалар, *Lex rei sitae*, ҳалқаро шартномалар, чет ел елементи билан мураккаблашган муносабатлар, оммавий тартиб концепцияси, *ordre public*, жамоат тартиби

Жамиятда инсонлар ижтимоий муносабатга киришар екан хар бир шахс ўзининг шаҳсий қонунига ега бўлиб, умими ҳуқуқ нормаларини қўллаш орқали бу қонун-қоидалар бир хиллашади. Масалан, бир давлатдаги қонунчилик тизими бошқа давлатдаги қонунчилик тизимидан қисман ёки бутунлай фарқ қиласди. Чунки ҳар бир давлат ўз сувиrintети остидаги ҳудудда ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш учун норма ижодкорлигини амалга оширади. Чет ел қонунчилиги нормалари ва миллий қонунчилигимизда мавжуд бўлган нормаларни бир-бiriiga мувофиқлаштиришда Ҳалқаро хусусий ҳуқуқ алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида намоён бўлади. Ҳалқаро хусусий ҳуқуқ бир давлатнинг чет давлат жисмоний шахслари ва юридик шахслари ўртасида вужудга келадиган олди-сотди, шартнома, тијорат, суғурта, кредит, қарз, лизинг, ҳисоб-китоб муносабатларини тартибга солади. Бундай фуқаролик муносабатлари жуда кенг доирада бўлиб никоҳ қуриш, фарзандликка олишдан тортиб мерос масалаларигача бўлган муносабатларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу фан соҳасига кириб келувчи бўлажак ҳуқуқшунослар Ҳалқаро хусусий ҳуқуқнинг таркибий қисмини фуқаролик ҳуқуқи соҳаси билан ўхшаш тарзда тасаввур қилишади. Иккала ҳуқуқ соҳасининг обьекти ҳам шахсий, мулкий ва номулкий муносабатларни

тартибга солади, бироқ ҳалқаро хусусий ҳуқуқдаги фуқаролик муносабатлари чет ел элементи билан мураккаблашиб боради.

Амалиётда суд ва бошқа ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар чет ел элементи билан мураккаблашган муносабатлардан келиб чиқкан низоли ишларни кўриб чиқиш жараёнида уларнинг олдида қўйидаги саволларга жавоб бериш зарурати турди, яъни бу муносабатлар қайси ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинади ва масалани ҳуқуқий тартибга солувчи орган низони ҳал қилишда қайси давлат қонунчилигига асосланиши лозим. Юқорида кўрсатилган муносабатларнинг тартибга солиниши зарурати маҳсус турдаги ҳуқуқ нормаларини-ҳар қандай давлатнинг ҳалқаро хусусий ҳуқуқ асосини ташкил қилувчи коллизион ҳуқуқ нормаларини қўллашни тақазо қиласди.

Ҳалқаро хусусий ҳуқуқда субектларнинг турли давлат фуқаролигига мансуб бўлиши, объектларнинг турли давлат ҳудудида жойлашган бўлиши, юридик фактни муайян давлат ҳуқуқи орқали баҳоланиши ушбу соҳани мураккаблашган муносабатларни тартибга солишидан далолат беради. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши бир давлатнинг ҳуқуқий нормалари бошқа давлат ҳудудида қўлланилиши мумкин бўлган ҳолатларни юзага келтиради. Давлатлар бу нормаларни суд амалиётида қўллашда ҳалқаро шартномаларга ёки ички давлат қонунларига асосланади. Ушбу фан соҳасининг ҳалқаро оммавий ҳуқуқдан ажратиб турувчи ўзига хос жиҳати хам ички давлат қонунчилигини юридик манба сифатида эътироф этилиши хисобланади. Ўзбекистон Республикасида ҳалқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига нисбатан татбиқ қилишда асосан фуқаролик кодексидаги нормаларга асосланамиз. Масалан Қўчмас ва кўчар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади. Мол-мулкнинг қўчмас ёки кўчар ашёларга мансублиги, шунингдек мол-мулкнинг бошқача юридик баҳоланиши ана шу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади. Яъни асос вужудга келиши учун содир бўлган ҳолат ёки харакат қайси давлат ҳудудида жойлашган мулк билан боғлиқ бўлса, ўша давлат қонунчилиги билан тартибга солинади. Бу мулк билан боғлиқ бўлган низоли вазият Ўзбекистон Республикаси суди томонидан кўриб чиқилиши мумкин, бироқ мулкнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари мулк жойлашган давлат қонунчилиги (*Lex rei sitae*) билан ҳал етилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳалқаро шартномалар ҳалқаро хусусий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда катта аҳамият касб етади. Масалан, МДҲ давлатлари ўртасида тузилган оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Минск конвенсия фуқаролар ва бошқа шахсларга уларнинг шахсий, мулкий ва номулкий ҳуқуқларининг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга ёрдам беради. Шунингдек, конвенсияда жиноят, фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича судда иш юритиш, суд

қарорларини тан олиш ва ижро етиш билан боғлиқ масалаларда ўзаро хуқуқий ёрдам назарда тутилган.

Чет эл хуқуқи нормасини қўллаш, маълум бир давлатнинг ички ёки миллий хуқуқий тартиботи учун одатий бўлмаган муносабатларга нисбатан жумладан, бир давлат ҳудудидан ташқарида юзага келадиган, хусусан халқаро-хусусий хуқуқда қабул қилинганидек, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар доирасида амалга оширилади.

Чет ел давлати қонунчилиги Ўзбекистон республикасида тўғридан-тўғри қулланилавермайди. Чунки хар бир давлат қонунчилиги бир-биридан фарқ қиласди. Масалан никоҳни қайд етиш асослари дунё давлатларида турлича амалга оширилади. Франсияда никоҳ келин ва күёвнинг ота-оналари ўртасида ўзаро келишув асосида тузилади. Яъни никоҳ тузишда ота-онанинг розилиги талаб қилинади. Мексика, Франсия, Аргентина, Норвегия давлатларида бир жинсли шахслар ўртасидаги никоҳга рухсат берилган. Малазия, Покистон, Бирлашган араб амирлиги каби давлатлар қонунчилигига еса кўп хотинликка (полигамий) га рухсат берилган. Осиёнинг баъзи давлатларида амакиваччалар ўртасидаги никоҳга хеч қандай тақиқ мавжуд емас. Бундай никоҳларни тан олмаслик учун ягона хуқуқий асос оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ бўлиши мумкин. Бироқ, юридик адабиётларда, чет ел хуқуқини қўллаш оммавий тартиб тўғрисидаги концепцияга зид келган тақдирда тегишли давлат ҳуқуқи қулланилади дейилган. Ўзбекистон Республикасида никоҳ масалаларини тартибга солишда миллий қонунчилигимиз чет ел давлатининг моддий нормаларига қандай муносабат билдиради? Ушбу саволга хуқуқий асосга таяниб жавоб берадиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 235-моддасига еътибор қаратамиз. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонунчилигига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар ушбу Кодекснинг 16-моддасида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиласидан ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади. Яъни 16-модда никоҳланувчилардан лоақал бирининг бошқа шахс билан никоҳи бўлмаслиги, насл-насаб жиҳатидан туғри туташган қариндош (бунинг ичига ўгай ака-ука ва опа-сингиллар ҳам киради) бўлмаслиги, муомлага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасидаги никоҳга йул қўйилмаслиги каби талабларга риоя етилишилиши кераклигини назарда тутади. Никоҳга кириш шахснинг шахсий қонуни бўлганлиги сабабли чет ел фуқароларининг бошқа давлат ҳудудида ўша давлат қонунларига асосланиб тузилган никоҳи тан олинади. Бу масалада тарафлар бошқа давлат субъекти бўлиши мухим рол ўйнайди. Чет ел хуқуқини тўғри қуллаш ва уларга тўғри хуқуқий баҳо бериш масалалри алоҳида ўрин тутади. Тўғри

хуқуқий баҳо бериш еса ҳалқаро хусусий низоларга адолатли ҳал етишга хизмат қиласи. Амалдаги қонунчилигимизда мамлакатимизда чет эл ҳуқуқини қўлланиши Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди деб белгилаб қўйилган.

Оммавий тартиб концепцияси француз юристлари томонидан чуқур ва батафсил ишлаб чиқилган бўлиб, бу концепция номланишининг ўзида акс эттирилган ҳалқаро ва миллий амалиёт асосан *ordre public* француз ҳуқуқидан келиб чиқсан. Масалан, Франсия Фуқаролик кодексида хусусий келишувлар ва битимлар тузишда оммавий тартиб билан боғлиқ қонунлар бўзилганлиги ҳолати аниқланса шахслар ўртасидаги ҳар қандай келишув ҳақиқий эмас деб топилади. Бу норма бир пайтнинг ўзида чет эл қонунларини қўллаш билан боғлиқ вазиятларга нисбатан тартиб қилиб келинмоқда. Бирлашган Араб Амирликларининг қонунчилигига оммавий тартиб концепцияси жамоат тартиби терминига кўчган. Яъни жамоат тартиби шахсий мақомга оид, никоҳ, мерос ва насл-насаб, шунингдек, суверенитет, савдо эркинлиги, моддий бойликларнинг айланиши билан боғлиқ масалалар, ислом шариати характерли қоидалари ва асосий принципларига зид бўлмайдиган тарзда хусусий мулк қоидалари ва жамият асос соладиган бошқа қоидаларни ўз ичига олади. Жамоат тартиби ислом шариат қоидалари асосида вужудга келиб ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норма сифатида қонунчиликка киритилган. Ушбу тавсифда, миллий ҳуқуққа зид бўлган ҳолларда қўлланилиши мумкин бўлмаган чет эл ҳуқуқига урғу берилади.

К.Синдаров ва Қ.Мусаевнинг таъкидлашича, Ҳуқуқ-тартибот ҳуқуққа асосланган, қонунийлик ғояси ва принципларини амалга оширилиши натижасида шаклланган, ижтимоий муносабатлар билан тартибга солинган қонуний хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Ҳуқуқ-тартибот асослари жамият ва давлат учун энг мұхим нормалар конституциявий тузум, ҳуқуқ, эркинликлар, соғлиқни сақлаш, фуқаролар ва умуман давлат хавфсизлиги асосларини мустаҳкамловчи ҳамда мұхофаза қилувчи принциплар тушунилади. Европа давлатлари қонунчилигига жамоат тартиби жамиятда шаклланган одамлар ўртасидаги муносабатлар тизими, ўзаро хулқ-атвор ва жамият ҳаёти қоидалари, амалдаги қонунлар, урғ-одатлар ва анъаналар, шунингдек, ахлоқий меъёрларни ўз ичига олади. Жамоат тартиби ижтимоий нормаларни амалга ошириш натижасида ривожланадиган ижтимоий муносабатларнинг бутун йиғиндиси тизимини ифодалайди: ҳуқуқий нормалар, ахлоқий нормалар, жамоат ташкилотлари нормалари, ноқонуний урғ-одатлар, анъаналар ва маросимлар нормалари. Бирок, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига жамоат тартиби ёки оммавий тартиб тушунчаси ва уларнинг чек-чегараси алоҳида бир қонунда белгилаб берилмаган. Ҳуқуқ-тартибот асоси сифатида Республикамиз худудида амалда бўлган қонунларни тушинишимиз мумкин.

Судлар оммавий тартиб тұғрисидаги изоҳни құллашда енг күп учратадиган ҳолат хозирги кунда 15 та давлат томонидан, хусусан Буюк Британия, Исландия, Швеция, Норвегия, Дания, Нидерландия, Франция каби давлатларда қонунийлаштирилган, бир жинсли шахсларнинг никоҳларни қонунчилик асосида анъанавий никоҳлар қаторига құшилғанлигидир. Юқоридаги 15 та давлатни биринчи тур давлатлари деб ҳисобласак, иккинчи тур давлатлари бир жинсли шахсларнинг никоҳда бўлишини қонун билан тақиқлаб қуяди, аммо чет елда никоҳдан ўтган бир жинс вакилларини никоҳини тан олади. Хусусан, Россия Федерациясида 2018 йил икки жинсли еркак ўртасидаги никоҳ тан олинган. Учинчи тур давлатларининг ҳуқуқ тизимида бир жинсли шахслар ўртасида никоҳ тузиш ва уни мамлакат ҳудудида тан олиш тақиқланган. Учинчи тур давлатлари қаторида Ўзбекистон Республикасида ҳам бир жинс вакилларининг никоҳи аҳлоқий бузуқлик сифатида қораланади.

«Халқаро оммавий тартиб» концепциясининг мазмунига кўра, агар чет эл қонуни мазкур давлатнинг оммавий тартибиға зид бўлса, уни құллашга йўл қўйилмайди. Ушбу концепциянинг энг мураккаб томони шундаки, ҳеч қандай вазиятларда четлаб ўтиш мумкин бўлмаган ва ҳеч нарсага қарамасдан қўлланиши лозим бўлган оммавий тартибни таъминловчи қонунлар доирасини белгиланмаган. Хулоса қилиб айтганда, Австрия, Венгрия, Полша, Руминия, Чехия, Словакия давлатларида ишлаб чиқилган коллизион ҳуқуқ кодекси Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу ҳолат бевосита мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини тўғри шакллантириш имкониятини яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ;

- 1.Халқаро хусусий ҳуқуқ;Дарслик./Муаллифлар жамоаси//й.ф.д.,дотс И.Рустамбеков умумий таҳрири остида.Т.:ТДЮУ,2019.-354 бет
- 2.Зульфугарзаде Т. Э. Международное частное право: Хрестоматия. — Москва: Информационно-ресурсный центр современного образования, 2008. — С. 1520
- 3.Фуқаролик кодекси; <https://lex.uz/docs/180552>
- 4.Оила кодекси; <https://lex.uz/acts/104720>
- 5.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарх; <https://www.osce.org/files/f/documents/5/a/106233.pdf>
- 6.<https://www.xabar.uz/huquq/kollizion-huquq-kodeksi-u>
- 7.<https://inlibrary.uz/index.php/issuesimproving/article/download/12591/13078/13>
- 8.<https://inscience.uz/index.php/socinov/article/download/2153/2394/8119>
- 9.<https://staff.tiiame.uz/storage/users/426/presentations/lkXBa78dPKICuV44wP7DQCDBe4EZPEEvEi4SxVb.pdf>